

# Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси № Х/К-22/3

Тошкент ш.

2022 йил « 18 » август

“Ўзбекистон Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази” нодавлат нотижорат ташкилоти (бундан буён матнда “Марказ” деб аталади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи ташкилот раҳбари Б.Ў.Унгбоева бир томондан ва Тошкент давлат Столицалошя институты (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб аталади) номидан Низович асосида фаолият юритувчи ташкилот раҳбари ректор Хайдаров Н.К. иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

## 1. Шартнома предмети

- 1.1. Марказ шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган хизматларни амалга оширади, Буюртмачи эса ушбу хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаб беришни ўз зиммасига олади.
- 1.2. Хизматлар кўйидаги жадвал асосида амалга оширилади:

№	Хизматлар тури	сони	ўлч. бир	Томошабинлар сони	билет нархи	умумий сумма (КҚС сиз)
1	Фильмлар намоиши	300	дона	300	15 000 сўм	4500.000
2	Киноижодкорлар билан ижодий учрашув					

- 1.3. Хизматларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан 2022 йил 31 декабргача. Марказ хизматларни муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга.
- 1.4. Хизматлар тарафлар томонидан “Бажарилган ишлар далолатномаси” имзолангандан сўнг бажарилган ҳисобланади.
- 1.5. Хизматларни кўрсатиш жойи \_\_\_\_\_

## 2. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари :

- 2.1.1. Исталган вақтда, Марказнинг фаолиятига аралашмасдан, хизматларнинг бажарилишини ва сифатини текшириш;
- 2.1.2. Бажарилган ишлар далолатномаси тузилгунга қадар Марказни олдиндан хабардор қилган ҳолда ҳамда бажарилган хизматларга мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда исталган вақтда шартномадан воз кечиш.

### 2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- 2.2.1. Шартноманинг 4-бандида кўрсатилган шартнома суммасини ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб бериш.
- 2.2.2. Хизматларни бажариш учун Марказ томонидан талаб қилган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш.
- 2.2.3. Хизматларни бажариш учун Марказ томонидан талаб қилинган барча шароитларни яратиб бериш.

## 3. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 3.1. Марказнинг ҳуқуқлари:

- 3.1.1. Хизматларни ўз вақтида ва лозим даражада бажарилиши учун зарур бўлган маълумот ва шароитларни талаб қилиш.
- 3.1.2. Буюртмачи томонидан шартнома шартларига риоя қилинмаган тақдирда хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриш.
- 3.1.3. Буюртмачи томонидан шартнома шартлари кўпол равишда бузилган тақдирда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

### 3.2. Марказнинг мажбуриятлари:

- 3.2.1. Хизматларни лозим даражада бажариш;
- 3.2.2. Хизматларни Шартноманинг 1.3. бандида кўрсатилган муддатларда бажариш;
- 3.2.3. Буюртмачини ўзгартиришлар кучга киришидан 3 (уч) иш куни аввал огоҳлантирган ҳолда мазкур шартнома шартларига ўзгартириш киритиш.